ISSN 2010-9997

www.itm.uz

Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы

ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИТМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

№ 5(141), 2021

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ / МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ / РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ / БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ / БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши:
- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш,
- ижтимоий соҳани ривожлантириш,
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах:
- совершенствование государственного и общественного строительства;
- обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы;
- развитие и либерализация экономики;
- развитие социальной сферы;
- обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики.

Иқтисод ва молия
Экономика и финансы

ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН

Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан

Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Журнал издаётся в сотрудничестве с Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека

НАШР ОРГАНИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот марказининг

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда нашр этилади

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 5 (141), 2021

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

2 **Гаибназарова З.Т.** Тенденция развития мировой и отечественной автомобильной промышленности в современных условиях

БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ / БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ

12 **Мамадияров З.Т.** Банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматлари билан боғлиқ рискларни бошқариш

22 **Абдуллаев Н.А.** Роль внедрения инновационных финансовых услуг в стабильном экономическом развитии Узбекистана

27 **Боев Б.Ж.** Мамлакатимизда қимматли қоғозлар савдосини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ

32 **Уразов К.Б., Абдурасулов Ж.А.** Корхоналарни қайта ташкил этиш: моҳияти, шакллари, амалга ошириш тартиблари ва ушбу шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ / МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА

39 **Макушина А.** Ю. Зарубежный опыт становления и развития малых предпринимательских структур в условиях либерализации внешнеэкономической деятельности

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ / МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ

48 **Рустамова С.Х.** Қарорлар қабул қилишда миллий ҳамда саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасининг қиёсий таҳлили

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР / ИНВЕСТИЦИИ И ИННОВАЦИИ

57 **Каримов М.И.** Республика иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион кластерларнинг илмий-назарий асослари

62 **МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ**

- Ўзбекистон Республикаси **ОАК** рўйхатига киритилган.
- **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган.
- **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган.
- Включён в список **ВАК** Республики Узбекистан.
- Входит в базу данных **РИНЦ.**
- Входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka.**

23.12.2016, № 232/5

https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617.

https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan

Уразов Комил Бахрамович,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси
профессори, иқтисод фанлари доктори
Абдурасулов Жамшидбек Ахмад ўғли,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси
1-босқич магистранти

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ: МОҲИЯТИ, ШАКЛЛАРИ, АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИ ВА УШБУ ШАРОИТДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

УДК: 334.722

УРАЗОВ К.Б., АБДУРАСУЛОВ Ж.А. КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ: МОҲИЯТИ, ШАКЛЛАРИ, АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИ ВА УШБУ ШАРОИТДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Ушбу мақолада республикамиз иқтисодиётининг бош бўғини, мос равишда, бухгалтерия ҳисобининг асосий субъектлари бўлган корхоналарни қайта ташкил қилиш шаклларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш тартиблари очиб берилган. Шунингдек, мақолада корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар кўрсатиб берилган.

Таянч иборалар: корхона, қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

УРАЗОВ К.Б., АБДУРАСУЛОВ Ж.А. РЕОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ: СУЩНОСТЬ, ФОРМЫ, ПОРЯДОК РЕАЛИЗАЦИИ И ОБЩИЕ ТРЕБОВАНИЯ К ФОРМИРОВАНИЮ ВЕДЕНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЁТА И ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁНОСТИ В ЭТИХ УСЛОВИЯХ

В данной статье раскрыты сущность, особенности и порядок реорганизации предприятий, являющихся главным звеном экономики республики и, соответственно, основными субъектами бухгалтерского учёта. Вместе с тем, показаны общие требования к формированию ведения бухгалтерского учёта и финансовой отчётности в условиях реорганизации.

Ключевые слова: предприятие, реорганизация, присоединение, слияние, разделение, выделение, изменение, бухгалтерский учёт, финансовый отчёт.

URAZOV K.B., ABDURASULOV J.A. RECONSTRUCTION OF ENTERPRISES: NATURE, FORMS, PROCEDURES OF IMPLEMENTATION AND ACCOUNTING AND FINANCIAL ACCOUNTING IN THIS CONDITION

In the article is revealed the essence, features, forms and procedures of enterprises reorganization, which are considered as the main subjects of the economy of the Republic. There as well outlines in the article general requirements for accounting and financial reporting in the context of enterprises' reorganization.

Key words: business, reorganization, addition, division, separation, modification, accounting, financial reporting.

Кириш. Маълумки корхоналар, ҳар қандай кишилик жамияти иқтисодиётининг асосий бўғини, мос равишда, бошқарув воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Корхоналар орқали моддий ва номоддий неъматлар яратилади, турли ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади ҳамда улар истеъмолчиларга етказиб берилади. Корхоналар сонини кўпайтириш, уларни бирлаштириш, йириклаштириш, ҳамкорликдаги фаолият турларини ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, одамлар ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу боис ҳам, мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг Республикамизда танлаб олинган тараққиёт йўли ва тамойиллари асосида иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларида буткул янги шакл ва мазмундаги корхоналарни барпо этишга катта эътибор қаратилди. Чунончи, шу йилларда турли мулк шаклидаги ва юридик мақомдаги корхона, ташкилот ва муассасаларни тузиш, улар фаолиятини ташкил қилиш, молиялаштириш, бошқариш, олган фойдасини тақсимлашга доир тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари [1, 2, 3, 4, 5, 6] қабул қилинди. Мазкур қонунлар ва қонуности ҳужжатларини изчил ҳаётга татбиқ қилиниши натижасида Республикамизда мулкий шакли ва юридик мақомига кўра бир-биридан фарқланувчи акциядорлик жамиятлари (АЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (ХК), хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (ХИИК), қўшма корхоналар (ҚК), давлат унитар корхоналари (ДУК), оилавий корхоналар (ОК), фермер хўжаликлари (ФХ), деҳқон хўжаликлари (ДХ), давлат шерикчилик асосидаги корхоналар (ДШК), нодавлат нотижорат ташкилотлари ННТ) вужудга келди.

Ўздавстат маълумотларига кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига Республикамизда давлат рўйхатидан ўтган жами субъектлар сони 503538 тани, шундан турли мулкий ва ташкилий мақомдаги кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 436981 тани ташкил қилди [7]. Ҳозирги кунда, Республикамизда 648 та АЖлар, 44000 дан ортиқ оилавий корхоналар, 11 мингдан ортиқ ХИИКлар, 1400 га яқин ДУКлар, 10500 га яқин ННТлар фаолият юритмоқдалар [8].

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти қонуниятларини ифодаловчи талаб ва таклиф, рақобатчилик, фойда олиш, фаолиятни ва ресурсларни бирлаштириш, инвестицияларни жалб этиш ва киритиш орқали юқори самарадорликка эришиш, шу асосда маблағлар етишмовчилигини олдини олиш, бошқарувнинг корпоратив ва бошқалар замонавий усулларни қўллаш заруратларини борган сари кучайиб бориши корхоналарни турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайта ташкил қилишдек муҳим долзарб масалаларни ҳал қилишни давлатлар олдига, шу жумладан бизнинг республикамиз олдига ҳам кўндаланг қилиб қўймоқда. Корхоналарни қайта ташкил қилишнинг бир-биридан фарқ қилувчи ташкилий-ҳуқуқий шакллари бошқарувнинг муҳим воситаси бўлган бухгалтерия ҳисоби олдига ушбу муҳим жараёнлар тўғрисида фойдаланувчиларга, чунончи хорижий инвесторларга атрофлича ахборотларни бериш вазифасини қўймоқда. Мазкур масалалар бўйича амалиётда корхоналарни турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайта ташкил қилиш, ушбу шароитда ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар асосида юритиш тартиб-қоидаларига амал қилишга заруратларнинг мавжудлиги уларга оид чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Корхоналарни турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, ушбу шароитда ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилишнинг илмий-назарий ва услубий масалалари амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларида, монографиялар, илмий мақолалар, дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ўз аксини топган. Чунончи, корхоналарни турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда

қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари республикамизнинг Фуқаролик кодексида [9], шунингдек алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида қонунлар ва қонуности ҳужжатларида [1, 2, 3, 4, 5, 6] белгиланган. Чунончи, республикамиз фуқаролик кодексининг 49-моддаси "Юридик шахсни қайта ташкил этиш" деб номланиб, унда "Юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин" деб белгиланган. Алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларида уларни ҳам қайта ташкил қилиш тартиблари тегишли моддаларда белгиланган.

Тадқиқот мақсади. Корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни шакллантириш ўзига хос мезонларга, тартиблар ва талабларга амал қилишни тақозо этади. Бундай мезонлар, тартиб ва талаблар халқаро миқёсида "Бизнес бирлашувлари" номли 3-сон МҲХС (IFRS) [10] ва «Консолидацияланган молиявий ҳисобот" номли 10-сон МҲХС (IFRS) [11]да, Республикамизда эса "Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш" номли 23-сон БҲМСда [12] ва "Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» номли 8-сонли БҲМСда [13] белгиланган. Шунингдек, 3-сон МҲХС (IFRS) ва 23-сон БҲМСда бизнес бирлашувлари юз берган вақтда ва бу жараёнлар юз бергандан кейинги даврларда қайта ташкил этиш жараёнлари иштирокчилари ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш ва консолидациялашда амалдаги барча бошқа стандартларга ҳам амал қилишлари лозимлиги эътироф этилган.

Илмий моҳияти. Россиялик олимлар В.С. Плотников ва О.В. Плотниковалар ўзларининг "Объединение бизнеса и консолидированная финансовая отчетность" номли махсус ўқув қўлланмасида [14] бизнесни турли шартларда бирлаштириш жараёнлари, ушбу жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, харид қилиш асосида яхлит бизнесни қўшиб олишда вужудга келадиган активлар, гудвил ва мажбуриятларни баҳолаш ва ҳисобини юритиш, шунингдек консолидациялашган ҳисоботни тузиш тартибларини очиб берганлар. С.Н.Ташназаров [15, 16] молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш, шунингдек бизнесни бирлаштириш ва ушбу шароитда консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботни тузиш тартибларини МҲХС асосида ёритиб берган. К.Б.Уразов қаламига мансуб "Молиявий бухгалтерия ҳисоби" ўқув қўлланмада [17] корхоналарни қайта ташкил этишнинг алоҳида шакллари мазмуни ва уларни амалга ошириш тартиблари, шунингдек корхоналарда тугатиш, ажратиш, бирлаштириш балансларини тузиш усуллари амалий материаллар асосида кўрсатиб берилган.

Республикамизда Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-4611-сон қарорига [18] мувофиқ корхоналарни босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтказиш, улар асосида ҳисоб ва ҳисоботларни юритишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар ва аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу чора-тадбирлар ва устувор вазифалар корхоналарни қайта ташкил этиш, ушбу жараёнларни бошидан ўтказаётган корхоналарда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида шакллантиришга ҳам бевосита дахлдордир.


Мазкур мақолада, юқорида келтириб ўтилган илмий изланишларга асосланиб, Республикамиз корхоналарини қайта ташкил қилиш шаклларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш тартиблари, корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар масалаларига доир тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотларимиз натижасида кўрсатишича, ушбу биринчи мақоламизда, аввалambор, корхоналарни қайта ташкил қилишнинг атама сифатидаги моҳиятига, қайта ташкил этишнинг алоҳида шакллари ҳамда уларни амалга ошириш тартибларига, шунингдек ушбу шароитда ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг умумий талабларига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Номлари юқорида зикр этилган қонунлар ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ **корхоналарни қайта ташкил этиш** деганда уларни муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ қуйидаги шаклларда қайтадан шакллантириш тушунилади: а) қўшиб юбориш; б) қўшиб олиш; в) бўлиш; г) ажратиб чиқариш; д) ўзгартириш.

Қўшиб юбориш – бу ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

1-расм. Қайта ташкил этишнинг қўшиб юбориш шакли.




Изоҳ: амалда бўлган А, Б, В корхоналар фаолияти буткул тугатилиб, улар ўрнига янги Г корхонаси пайдо бўлади.

Қўшиб олишнинг ушбу шаклида, кўриниб турибдики, бир томондан, тугатилаётган корхоналарда, иккинчи томондан эса, янги ташкил қилинаётган корхонада кўплаб жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим ҳисобланади. Чунончи, барча тугатилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобда акс эттирилиши ва тугатиш баланси тузилиши лозим. Корхоналарни қўшиб юбориш шаклида вужудга келган янги корхонада унинг давлат рўйхатидан ўтган кунига таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) ҳамда қўшиб обориш тўғрисидаги қарорлар ва шартномалар асосида дастлабки таъсис баланси тузилиши, шунингдек, ушбу баланс моддаларини ташкил қилувчи барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, кирим қилиш ва ҳисобга олиш ишларини белгиланган тартиб-қоидалар асосида бажариш керак бўлиб ҳисобланади.

Қўшиб олиш – бу бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).

2-расм. Қайта ташкил этишнинг қўшиб олиш шакли.




Изоҳ: амалда бўлган А, Б, В корхоналардан Б, В корхоналар фаолияти буткул тугатилиб, улар ўрнига яхлит А корхонаси пайдо бўлади.

Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклида корхоналарни қўшиб олиш, одатда, ихтиёрий равишда ва харид усулида амалга оширилиши мумкин. Ушбу шаклда ҳам қайта ташкил этиш иштирокчиларида мос равишдаги жараёнлар ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Чунончи, қўшиб юборилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобини юритиш ва тугатиш балансларини тузиш зарур бўлиб ҳисобланади. Қўшиб олувчи корхонада тугатилаётган корхоналарни ихтиёрий равишда ёки харид усулларида қўшиб олиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарурати пайдо бўлади.

Бўлиш – бу корхона фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган корхоналарга беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (3-расм).

3-расм. Қайта ташкил этишнинг бўлиш шакли.




Изоҳ: амалда бўлган А корхона фаолияти буткул тугатилиб, унинг ўрнига мустақил бўлган Б, В, Г корхоналари пайдо бўлади.

Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклида, дастлаб тугатилаётган корхонада уни тугатиш жараёнини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим ҳисобланади. Шундан сўнг ваколатли орган ёки мулкдорлар қарорлари асосида белгиланган тартибларга кўра тугатилган корхонанинг тақсимлаш балансини тузиш, яъни барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни янги ташкил қилинган корхоналар ўртасида бўлиш ҳисоб-китоблари талаб қилинади. Айнан ушбу ҳисоб-китоблар янги корхоналарда уларга тегишли бўлган мулк ва мулкнинг ташкил топиш манбаларини уларнинг дастлабки балансига киритиш ва мос равишда уларни ҳисобга олишга асос бўлади.

Ажратиб чиқариш – бу корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (4-расм).

4-расм. Қайта ташкил этишнинг ажратиб чиқариш шакли.




Изоҳ: амалда бўлган А корхона таркибидан янги Б корхона ажратилади, натижада иккита мустақил А ва Б корхоналари пайдо бўлади.

Қўшиб олишнинг ушбу шаклида, кўриниб турибдики, амалдаги корхона фаолияти тугатилмайди ва тўхтатилмайди. Фақатгина ваколатли орган ёки мулкдорлар қарорига асосан унинг таркибидан янги мустақил корхонани ажратиш ва унга тегишли мол-мулкни, мажбуриятларни ва хусусий капиталнинг бир қисмини бериш амалга оширилади. Демак, ушбу шароитда ҳам ажратилаётган корхонада, ҳам ажратилган корхонада активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини ҳисобга киритиш ва ҳисоботда акс эттириш зарурати вужудга келади.

Ўзгартириш – бу янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришдир. Ушбу шаклда корхоналар сони қўпаймайди ёки камаймайди, фақатгина корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бошқача бўлади. Мисол учун, акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади, хусусий корхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ёки масъулияти чекланган жамият хусусий корхонага айлантирилади. Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклини кўргазмали тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (5-расм).

5-расм. Қайта ташкил этишнинг ўзгартириш шакли.



Изоҳ: (1) амалда бўлган акциядорлик жамияти (АЖ) масъулияти чекланган жамият (МЧЖ),ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона (ХИИК), ёки қўшма корхона (ҚК)га ўзгартилади; (2) амалдаги хусусий корхона (ХК) қарорга кўра ёки МЧЖ, ёки ХИИК ёки ҚКга ўзгартирилади; (3) амалдаги МЧЖ қарорга кўра ХИИК ёки ҚК ёки ХКга ўзгартирилади.

Юқоридаги таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, корхоналарни қайта ташкил этишнинг ҳар бир шакли ўзига хос жиҳатларга эга. Уларнинг ҳар бирини амалга ошириш қатор ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва бошқа тартиб-қоидаларга амал қилишни тақозо этади.

Бизнинг Республикамизда корхоналарни қайта ташкил этиш қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ корхоналарни бўлиш ёки уларнинг таркибидан бир ёхуд бир нечта корхонани ажратиб чиқариш шаклида корхоналарни қайта ташкил этишда корхонанинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи ёки

ваколатли давлат органларининг қарорига ёхуд қонунда белгиланган ҳолларда суд қарорига;

б) қонунда белгиланган ҳолларда корхоналарни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этишда ваколатли давлат органларининг розилигига.

Корхоналарни қайта ташкил этишда муассислар қарорида қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

а) активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш муддатлари;

б) ҳуқуқий ворислик тартибида топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш усули;

в) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси тасдиқланганидан кейин қайта ташкил этилаётган корхонанинг жорий фаолияти натижасида юзага келиши мумкин бўлган активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши муносабати билан ҳуқуқий ворислик тартиби, шунингдек муайян хўжалик операцияларини амалга ошириш (кредитлар ва қарзлар олиш ёки бериш, инвестицияларни амалга ошириш ва бошқалар)нинг алоҳида тартиби;

г) янги вужудга келган ёки қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг таъсис ҳужжатларида акс эттириш учун устав капиталини шакллантириш тартиби ва унинг миқдори;

д) акциядорлардан акцияларни сотиб олишга (харид қилишга) йўналтириш зарурияти юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта ташкил этилаётган корхона ҳисобот даврида ва ўтган йилларда олган соф фойдани йўналтириш (тақсимлаш), шартли ва кафолатланган мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш (оқибатларни баҳолаган ҳолда тан олиш) ва бошқалар.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, қайта ташкил этиш натижасида юзага келган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб корхона қайта ташкил этилган ҳисобланади. Корхона унга бошқа корхонани қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган корхонанинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб бу корхона қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Асосий натижалар. Корхоналарни қайта ташкил қилишнинг юқорида келтирилган ҳар бир шаклида юз берадиган жараёнлар ва улар натижаларини қайта ташкил қилиш иштирокчилари ҳисоб ва ҳисобот тизимида акс эттиришнинг умумий мезонлари, тартиблари ва талаблари ҳалқаро амалиётда "Бизнес бирлашувлари" номли 3-сон МҲХС (IFRS) ва «Консолидацияланган молиявий ҳисобот" номли 10-сон МҲХС (IFRS)да, бизнинг Республикамизда эса 23-сон БҲМСда ва "Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» номли 8-сонли БҲМСда ўз аксини топган. Бинобарин, корхоналарни қайта ташкил қилишни амалга оширишдаги ҳисоб ва ҳисоботга доир тартиб-қоидалар 3-сон МҲХС (IFRS) ва 23-сон БҲМСда, кейинги даврларда қайта ташкил қилинган корхонада консолидацияланган ҳисоботни шакллантириш тартиб-қоидалари эса 10-сон МҲХС (IFRS) ва 8-сонли БҲМСда белгиланган. Демак, ушбу ҳар иккала гуруҳ стандартлар ҳам корхоналарни қайта ташкил қилишга бевосита дахлдордир. Ушбу халқаро ва миллий стандартлар талабларига амал қилиш макон ва замонда юз бераётган қайта ташкил этиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттириш ваколатли органлар, инвесторлар ва мулк эгаларини улар тўғрисида ишончли ахборотлар билан таъминлашнинг асосий гаровидир.

Хулоса ва таклифлар. Амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни беришга имкон берди.

Биринчидан, корхоналарни қайта ташкил этиш – бу давр талабидир. Ҳам мулк эгаларига, ҳам давлатга, ҳам меҳнат жамоасига фақат самара келтирадиган корхоналар керак. Самара келтирмайдиган корхоналардан ҳеч кимга наф йўқ. Шу боис, ваколатли давлат органлари орқали, чунончи давлат солиқ органлари орқали нафақат давлат рўйхатидан ўтган, фаолият юритаётган корхоналар, балки самарали ишлаётган, зарар билан ишлаётган, тугатилиш хавфи бўлган ва умуман фаолият юритмаётган корхоналар мониторинги доимий равишда олиб борилиши, бу тўғридаги ахборотлар ОАВлари орқали узлуксиз очиқланиш механизмини йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу функцияни бажаришни давлат солиқ инспекциялари (ДСИ)нинг махсус мониторинг, таҳлил ва ахборот-консалтинг марказларига юклаш, бизнингча, тўғриоқ бўлади.

Иккинчидан, ДСИ қошидаги номи юқорида зикр этилган марказга корхоналарни қандай шаклларда тузиш, қайта ташкил қилиш, уни қандай амалга ошириш, қайта ташкил қилишдан келадиган самарани ҳисоб-китоб қилиш, баҳолаш, у бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бошқа тадбиркорларни қизиқтирувчи саволлар бўйича атрофлича ахборот-консалтинг

хизматларини кўрсатишни юклаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ДСИ қошидаги номи юқорида зикр этилган марказга корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришни халқаро ва миллий стандартлар талабларидан келиб чиқиб ташкил қилиш бўйича профессионал бухгалтерларни жалб этиш, уларга тадбиркорлик субъектларида тугатиш баланси, тақсимлаш баланси, қўшиш баланси, бирлаштириш баланси, мулкни, мажбуриятлар ва хусусий капитал моддаларини қайта ташкил этиш иштирокчилари ўртасида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича консалтинг хизматларини бериш ва амалий ёрдамларни кўрсатишни юклаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, корхоналар бухгалтерларини қайта ташкил этиш жараёнлари ва ушбу шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш бўйича халқаро ва миллий стандартларни қўллашга ўргатувчи малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимиз, Республикамизда амалга оширилаётган халқаро стандартларга трансформациялаш жараёнларини жадаллаштиришга, амалдаги корхоналаримизда хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтиришга, шу асосда барча жиҳатлари бўйича бугунги кун талабларига жавоб берувчи хўжалик юритувчи субъектларни пайдо бўлишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги (янги тахрири) 223-I-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тўғрисида»ги 558-II-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги 308-II-сон қонуни.
6. Давлат корхоналари тўғрисида Низом (ЎзР ВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарори билан тасдиқланган);
7. Ўздавстат веб сайт материаллари.
8. https://uz.sputniknews.ru/20210529/chislo-gospredpriyatiy-v-uzbekistane-sokratyat-na-75-k-2025-godu-18977013.html
9. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, 21.12.1995.
10. 3-сон МҲХС (IFRS) "Бизнес бирлашувлари";
11. 10-сон МҲХС «Консолидацияланган молиявий ҳисобот";
12. 23-сон БҲМС "Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш".
13. 8-сон БҲМС "Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».
14. Плотников В.С., Плотникова О, В. Объединение бизнеса и консолидированная финансовая отчетность, Учебное пособие, -М.: Издательство: ИНФРА-М, 2018 г.
15. S.N.Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish. Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1, 87-107- betlar
16. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик – Т. "Иқтисод-Молия", 2019.
17. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамИСИ, 2013. - 226 бет.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сон қарори.

ГАИБНАЗАРОВА ЗУМРАТ ТАЛАТОВНА	Иқтисод фанлари доктори, Ислом Каримов номидаги Тошкент давла техника университети "Иқтисодиёт ва саноат менежменти" кафедраси профессори
ГАИБНАЗАРОВА ЗУМРАТ ТАЛАТОВНА	доктор экономических наук, профессор кафедры «Экономика и менеджмент промышленности» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова
GAIBNAZAROVA ZUMRAT TALATOVNA	Doctor of Economic Sciences, Professor of the Department «Economics and Industry Management» of the Tashkent State Technical University named after Islam Karimov
E-MAIL	zumrat59@rambler.ru
МАМАДИЯРОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ	иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Академик фаолиятни бошқариш" бўлими бошлиғи
МАМАДИЯРОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ	Доктор философии по экономическим наукам (PhD), доцент, начальник отдела "Управление академической деятельностью" Ташкентского государственного экономического университета
MAMADIYAROV ZOKIR TOSHTEMIROVICH	Doctor of Philosophy on Economic Sciences (PHD), Associate Professor, Head of the Department of Management of Academic Activity of the Tashkent State Economic University
E-MAIL	z.mamadiyarov@tsue.uz
АБДУЛЛАЕВ НЕКРУЗ АБДУЛЛАЕВИЧ	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти
АБДУЛЛАЕВ НЕКРУЗ АБДУЛЛАЕВИЧ	базовый докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан
ABDULLAYEV NEKRUZ ABDULLAYEVICH	Basic doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
E-MAIL	the_nekruz@includ.com
БОЕВ БЕКЗОДЖОН ЖЎРАҚУЛ ЎҒЛИ	Тошкент молия институти мустақил изланувчиси
БОЕВ БЕКЗОДЖОН ЖУРАКУЛ УГЛИ	Независимый исследователь Ташкентского финансового института
BOYEV BEKZODJON JURAKUL UGLI	Independent researcher of the Tashkent Financial Institute
E-MAIL	bekzodbek_92@inbox.ru
УРАЗОВ КОМИЛ БАХРАМОВИЧ	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори
УРАЗОВ КОМИЛ БАХРАМОВИЧ	Доктор экономических наук, профессор кафедры "Бухгалтерский учёт и аудит" Самаркандского института экономики и сервиса
URAZOV KOMIL BAKHRAMOVICH	Doctor of Economic Sciences, Professor of the Department «Accounting and Audit» of the Samarkand Institute of Economics and Service
E-MAIL	

АБДУРАСУЛОВ ЖАМШИДБЕК АХМАД УҒЛИ	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси 1-босқич магистранти
АБДУРАСУЛОВ ЖАМШИДБЕК АХМАД УГЛИ	магистрант 1-го курса кафедры "Бухгалтерский учёт и аудит" Самаркандского института экономики и сервиса
ABDURASULOV JAMSHIDBEK AKHMAD UGLI	Magistrand of the 1st Course Department «Accounting and Audit» of the Samarkand Institute of Economics and Service
E-MAIL	jamshidbek.abdurasulov@mail.ru
МАКУШИНА АЛЛА ЮРЬЕВНА	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодий назария" кафедраси катта ўқитувчиси
МАКУШИНА АЛЛА ЮРЬЕВНА	старший преподаватель кафедры «Экономическая теория» Национального Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
MAKUSHINA ALLA YURYEVNA	Senior Lecturer of the Department «Economic Theory» of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
E-MAIL	mak.alla@bk.ru
РУСТАМОВА САЙЁРА ХАТАМОВНА	Андижон давлат университети таянч докторанти
РУСТАМОВА САЙЁРА ХАТАМОВНА	Базовый докторант Андижанского государственного университета
RUSTAMOVA SAYYORA KHATAMOVNA	Basic doctoral student of Andijan State University
E-MAIL	Rustamova0302@mail.ru
КАРИМОВ МАЪРУФ ИХТИЁРОВИЧ	Тошкент давлат техника университети мустақил изланувчиси
КАРИМОВ МАЪРУФ ИХТИЁРОВИЧ	Независимый исследователь Ташкентского государственного технического университета
KARIMOV MARUF IKHTIYOROVICH	Independent researcher of Tashkent State Technical University
E-MAIL	maruf.karimov.1991@bk.ru

2021 ЙИЛ УЧУН ОБУНА

БИЗНИНГ НАШРИМИЗГА ОБУНА БУЛИНГ. ОБУНА ИНДЕКСИ – 1170

ИҚТИСОДЧИЛАР, МОЛИЯЧИЛАР, ҒАЗНАЧИЛАР, БУХГАЛТЕРЛАР, СУҒУРТАЧИЛАР, БАНКИРЛАР ВА АУДИТОРЛАР ЖУРНАЛИ



«TSENTR INNOVATSIONNIX TEXNOLOGIY» таҳририяти

ITM
Innovatsion Texnologiyalar Markazi

- ·дарсликлар
- ·ўқув қўлланмалари
- ·монографиялар
- ·мақолалар тўплами
- ·конференция материаллари
- ·бадиий адабиётлар

НАШРГА ТАЙЁРЛАЙДИ ВА ЧОП ЭТАДИ

Тел.: +998 95 198-80-87
веб-сайт: www.itm.uz

Журнал рукнлари:

- Иқтисодиёт назарияси ва макроиқтисодиёт
- Иқтисодиётнинг реал сектори
- Эконометрика ва статистика
- Банклар ва молия бозори
- Бюджет тизими
- Солиқ сиёсати
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
- Жаҳон иқтисодиёти
- Меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоя
- Минтақавий иқтисодиёт
- Менежмент ва маркетинг
- Инвестициялар ва инновациялар
- Ахборот технологиялар иқтисодиёти
- Постиндустриал иқтисодиёт назарияси

ҚУЙИДАГИ АГЕНТЛИКЛАР ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ:

"Матбуот тарқатувчи" АК
"Ўзбекистон почтаси" АЖ
"Матбуот тарқатиш" АЖ
"Тошкент почтамти" АЖ
"Kaleon Inform" МЧЖ
"Matbuot tezkor pochtasi" МЧЖ
"Lider Press" МЧЖ

Обуна индекси: - **1170**

ТАҲРИРИЯТ манзили:
100174, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Университет кўчаси, Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети,
Иқтисодиёт факультети биноси, 2-қават, 207-кабинет.

Маълумотлар учун телефон:
(+998 95) 198-80-87
E-mail: iqtisodvamoliya@itm.uz

ISSN 2010-9997